Испаниялик йигитнинг мусулмон бўлиши

11:00 / 28.08.2020 5443

Бу бўлиб ўтган қиссани Зағлул Нажжордан шахсан ўзим эшитган эдим. Олим шундай деган «Бир йили Маккада ҳаж амалларини бажариб юрган испаниялик мусулмон йигит билан учрашиб қолдим. Ёнида кичик ўғли ҳам бўлиб, у Қуръон ҳофизи эди. Ундан Исломга кириши қандай бўлганини сўрадим. У «Исломга киришимга мусиқа сабаб бўлди» деди. Мен уни ҳазиллашяпти деб ҳайрон бўлиб, «Ростданми? Бу қандай юз берди?», дедим. У жиддий оҳангда гап бошлади: «Ҳа, рост. Мен мусиқадан дарс берардим. Классик мусиқанинг асл келиб чиқиш сабабини билмоқчи бўлдим. Баъзилар «Бетховен ва бошқа ғарб мусиқачиларига бориб тақалади» дейишди. Бу гап мени қониқтирмади. Изланишда давом этдим ва охири мусиқанинг келиб чиқиши «Андалусия мувашшаҳлари»га бориб тақалишини аниқладим. (Мувашшаҳ – мусиқанинг бир тури). Сўнгра ушбу мувашшаҳлар тарихини ўргана бошладим. У ҳақида кўп ўқиб-изландим. Мувашшаҳларнинг кўпи Аллоҳнинг тавҳиди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг васфлари, ҳатто душманлари билан бўлган муомалада ҳам буюк ахлоқ эгаси бўлганлари ҳақидаги қиссаларни ўз ичига олишини билдим. Уларни ўқигач, пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўриб қолдим. Ўша кезларда отамдан ўқиш учун оиладан узоқроққа кўчиб ўтишга рухсат сўрадим. Буни қарангки, мусулмонлар яшайдиган бир маҳалладан яшаш учун уй топдим. Улар мени яхши кутиб олиб, гўзал муомала қилардилар. Намоз ўқиётганларида Қуръонни тинглардим. Тинглаётганимда ажиб бир ҳаловатни туярдим. Бошқа ҳеч

бир нарсада бундай роҳат ва ёқимли туйғуни ҳис қилмаганман. Тиловатнинг оҳангида ҳеч қандай хато топмадим.

Марокашда ўтказиладиган «Андалусия мурашшаҳлари»га бағишланган конференцияга таклиф этилдим. Мен билан бирга борган мусулмонлар намоз ўқигани чиқишди. Масжид ёнида ўтириб, имомнинг қироатини тинглардим. У Қуръонни шундай ўқир эдики, қалбимни тешиб юборди. Қарасам, шу даражада қаттиқ йиғлаётган эканманки, намоздан чиққан дўстларим мени кўриб, аҳлидан бирор киши вафот этгани ҳақида хабар олибди шекилли деб ўйлашди. Мен уларга «Йўқ! Ундай эмас. Аммо нега йиғлаётганимни ҳам билмайман» дедим. Гранадага қайтганимдан сўнг Исломга кирганимни эълон қилдим. Саудиянинг Мадриддаги элчиси мени ҳаж ибодатини адо этишга таклиф қилди. Саудияда подшоҳ Холид билан учрашдим ва у мендан нима орзуим борлигини сўради. «Шу ерда, юртингизда Исломни ўрганиб, кейин юртим аҳолисига ўргатмоқчиман» дедим унга. Шундай қилиб, Саудияда тўққиз йил яшадим ва шу муддат давомида Исломий фанлардан магистр даражасини олдим, аёлим ҳам шу даражага эришди. Сўнгра Испанияга қайтиб, Исломий мактаб очдим. У ерда 1200 ўқувчи ўқияпти».

Зағлул Нажжор ўз ҳикоясини якунлаб, шундай деди: «Кейинроқ ўша йигит билан яна кўришдим. Бу сафар у Ислом даъватчисига айланган, ўғли ҳам катта йигит бўлиб, ўзи билан ўша мактабда дарс бераётган эди».

Мен ушбу қиссани мусиқани севадиган барчага илиндим ва уларга айтаманки, Аллоҳнинг Китобини ўқиш, уни жим туриб тинглаш улкан неъмат ва ҳар қандай куй-мусиқадан кўра энг ёқимли, ҳузурбахш нарсадир. Ўзингизни ҳар куни ана шундай лаззатбахш нарсадан маҳрум қилманглар. Бир қалбда Аллоҳнинг Каломига бўлган муҳаббат билан куй-қўшиқ муҳаббати жам бўлмайди. Аллоҳнинг Каломининг бошқа каломлардан фазли, устунлиги Аллоҳнинг бандаларидан фазли, устунлиги кабидир.

«Ибтисом Буқарий» ҳикоясини Нозимжон Ҳошимжон таржима қилди